

Амин билан Маъмуннинг ўртасидаги фарқ



16:05 / 31.10.2022 1724

Милодий 809 йил 24 мартда Аббосий халифалардан бўлган Амин отаси Ҳорун ар-Рашид вафот этгач халифаликка ўтирди.

Аввалда Ҳорун ар-Рашид уни тахт вориси қилиш ҳақида суҳбатлашган эди. Чунки у Маъмундан каттароқ эди. Аммо Ҳорун ар-Рашид Амಿಂದан кўра Маъмунга кўпроқ ишонар эди. Уни Халифаликка муносиброқ деб билар эди. Шундай ҳам эди. Маъмун мўътазила бўлса ҳам, имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳга кўп азиятлар берган бўлса ҳам моҳир сиёсатчилардан бири эди.

Ниҳоят Ҳорун ар-Рашид икки ўғлидан ўзидан кейин Маъмун валиаҳд бўлиши, Амин ундан кейин халифа бўлиши ҳақида Каъбанинг олдида аҳд олди. Аммо Амин аҳдни бузди. Маъмуннинг Хуросон томонга урушга кетганини ғанимат билиб уни халифаликдан бўшатди. Маъмун Бағдодга келиб халифанинг қасрини ўраб олди. Акасини қатл қилди ва халифаликка

Ўтирди!

Бу курси инсонларни нималар қилмайди-я!

Энди Маъмуннинг ҳукмронликка лойиқ ва муносиблигига келадиган бўлсак, Аминнинг онаси саййида Зубайда Ҳорун ар-Рашиднинг олдида доимо ўғлининг шаънини кўтаришга ҳаракат қилар, Маъмунни ерга уришга уринар эди. Чунки Маъмуннинг онаси форс аёли эди. Аммо Ҳорун ар-Рашид буни ақл ҳукми эмас, оналик ҳиссиёти эканлигини билар эди. Зубайда ўғли Аминни мақтайвергач Ҳорун ар-Рашид Зубайдага деди:

- Мен сенга Маъмуннинг афзал эканлигини кўрсатаман!

Сўнгра бир кеча икки ўғлини чақирди. Тонггача улар билан бедор бўлиб ўтирди. Сўнгра уларга кетишлари учун рухсат берди. Бироздан сўнг уларни чақиртириб яна одам юборди. Амин ётоқ кийимида эснаганича кириб келди ва чақирishi сабабини сўради. Маъмун эса ҳарбий кийимида, эгнида совути, бошида дубулғаси, белида қиличи билан келди. Ҳорун ар-Рашид ундан сўради:

- Нега буларни кийиб олдинг?

Маъмун деди:

- Бир неча дақиқа олдин сизнинг олдингизда эдим. Агар ўшанда менга юмушингиз бўлганида айтар эдингиз. Аммо мен кетганимдан кейин мени чақиртириб одам юбордингиз. Бирор ҳодиса бўлганини билиб амрингизни дарҳол бажариш учун шундай кийиниб келдим. Агар чақиртирганингиз сабаби бошқа бўлса бу кийимларни ечишдан осони йўқ!

Амин билан Маъмуннинг ўртасидаги фарқ ана шунча эди!

Абдулқодир Полвонов